



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 12 (14)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

12

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
Tursunov A.M. Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
Axunov M.A. Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
Исраилова Д.К. “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
Шокирова Г.М. Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
Vaxtohunova D.N. Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri.....	36
Xasanova X.F. Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
Бегимова Д.К. Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
Mirzayev B.S. CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
Mirzarahimova A.A. Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
Азимов О.Т. Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
Халмирзаев А.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
Шоабдурахимова М.М. Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
Xolmuratov O.T. Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
Yarashev M.O., Nabieva S.A. Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
Кабилова К. Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
Махмудова С. Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
Захидова Ш.Ш. Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
Saidaxmedov N.X. Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
Усманова С.С. Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
Madrahimov U.A. Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
Джалилов Д.А. Капиталнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
Mahmudov Sh.N. Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
Ustadjalilov D.R. O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
Гайбуллаев Ф. Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
Abdurazakova F.D., Normurodov X.E. Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
Muxtarov M.M. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H. Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

Rahmatova N.A., Mustafayeva H. O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	147
Ахмедов Х. Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	154
Boboyev A.Ch. Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	159
Исраилов З.А. Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	165
Ikromov A.Sh. Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	169
Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш. Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	175
Elmurodov Sh.Sh. A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	183
Axmadjonov S.S. Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	188
Sabirova Z.U. Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	192
Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R. Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	197
Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х. Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	203
Zoxidov T.M. Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	211
Nabiyeva N.M. Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	216
Sharofiddinov Sh.U. Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	221
Nurmatov Z.Sh. O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	225
Содиқов А.М., Зокиров С.С. Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	230
Narmanov U., Ikromova S. Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	238
Qutbiddinov A.B. Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	241
Qayumova Sh.S. Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	246
Turebekov A.A. Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	252
Kurbanova M.N., Azizov A.A. Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri.....	255
Samadova G.S. O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta‘siri.....	259
Абдуллаева Р. Инклюзив тadbirkorликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	264
To‘uchiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	268
Amnah Saeed J Alhindi The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	272
Fayziyev O.R. O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	276
Алимов Р.А., Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	280
Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X. Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri.....	284
Xaydarov X.U., Raxmonov D.R. 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri.....	288
Солижонов М.А. Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	292
Rejapov X.X. Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	297

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИХТИСОСЛАШУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СПЕЦИАЛИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА УЗБЕКИСТАНА

MAIN DIRECTIONS FOR IMPROVING THE SPECIALIZATION OF AGRICULTURE IN
UZBEKISTAN

Халмирзаев Аҳмаджан Ахунович ЎзМУ, проф.

Аннотация

Мақолада бозор иқтисодиёти, иқлим ўзгаришлари ва аграр ишлаб чиқариш муносабатларининг трансформацияси шароитида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришни такомиллаштиришнинг замонавий йўналишлари ёритилган. Тармоқнинг ҳозирги ҳолати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштиришдаги асосий муаммолар, шунингдек, ихтисослашув самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари таҳлил қилинган. Инновацион технологияларни жорий этиш, аграр кластерларни ривожлантириш ва хорижий тажрибадан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Аграр секторни барқарор ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, ихтисослашув, аграр иқтисодиёт, ердан фойдаланиш, сув ресурслари, агрокластерлар, озиқ-овқат хавфсизлиги, инновациялар, экспорт салоҳияти, Ўзбекистон.

В статье рассматриваются современные направления совершенствования специализации сельского хозяйства Узбекистана в условиях рыночной экономики, климатических изменений и трансформации аграрных производственных отношений. Проанализированы текущее состояние отрасли, ключевые проблемы рационального размещения сельскохозяйственного производства, а также перспективные пути повышения эффективности специализации. Особое внимание уделено внедрению инновационных технологий, развитию аграрных кластеров и использованию зарубежного опыта. Сформулированы практические рекомендации по устойчивому развитию аграрного сектора.

Ключевые слова: сельское хозяйство, специализация, аграрная экономика, землепользование, водные ресурсы, агрокластеры, продовольственная безопасность, инновации, экспортный потенциал, Узбекистан.

The article examines the modern directions for improving the specialization of Uzbekistan's agriculture under the conditions of a market economy, climate changes, and the transformation of agrarian production relations. It analyzes the current state of the sector, key issues of rational agricultural land use, and prospective ways to enhance specialization efficiency. Special attention is given to the introduction of innovative technologies, the development of agricultural clusters, and the use of foreign experience. Practical recommendations are formulated for the sustainable development of the agrarian sector.

Keywords: agriculture, specialization, agrarian economy, land use, water resources, agro-clusters, food security, innovation, export potential, Uzbekistan.

Тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини табиий, иқтисодий ва институционал омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш.
2. Аграр ихтисослашувни ривожлантиришдаги асосий муаммоларни аниқлаш.
3. Хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини

такомиллаштиришнинг амалий йўллари ишлаб чиқиш.

Қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви муаммосининг ўрганилганлик даражаси аграр ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштириш самарадорлигига бағишланган илмий тадқиқотларда етарлича кенг ёритилган. Бироқ Ўзбекистон шароитида бу масала асосан айрим илмий мақолалар ва халқаро ташкилотларнинг аналитик ҳисоботларида акс этган. Назарий ва амалий йўналишдаги нашрлар кўп бўлишига қарамай, 2020–2030 йиллар ислоҳотлари, иқлим ўзгариши ва аграр иқтисодиётни диверсификация қилиш шароитида ихтисослашувнинг замонавий жиҳатлари ҳанузгача етарли даражада тизимлаштирилмаган. Шу сабабли, бу соҳада кўшимча комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади [2,3,4,5,6,7,8,9].

Илмий ишларнинг кўп бўлишига қарамадан, Ўзбекистонда ҳозиргача қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришнинг назария ва амалий жиҳатларини, аграр сиёсатдаги замонавий ўзгаришларни, худудий дифференциацияни, шунингдек экология, сув ресурслари, иқлим ва барқарор ривожланиш билан боғлиқ фанлараро алоқаларни бир вақтнинг ўзида қамраб оладиган комплекс ва долзарб тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг долзарблиги сув ресурслари танқислигининг кучайиши, аҳоли сонининг ўсиши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш зарурати ҳамда аграр маҳсулотлар экспорт салоҳиятини ошириш эҳтиёжи билан белгиланади. Экинларнинг нораціонал жойлаштирилиши, эскирган технологиялар ва иқлим хатарлари қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини ривожлантиришга илмий асосланган ёндашувни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари таҳлили унинг барқарор иқтисодий ўсиш, самарадорликни ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга аниқ йўналтирилганини кўрсатади: 2021 йилда қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматнинг йиллик ўсиш суръатини 3 фоиздан 2025–2030 йилларга келиб 5 фоизгача ошириш режалаштирилган, агрооziқ-овқат секторида бандликнинг ўсиши билан бир қаторда қайта ишлаш саноатининг роли кучайтирилиши назарда тутилмоқда, шунингдек агросаноат маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2,3 млрд АҚШ долларидан 2030 йилга келиб 20 млрд АҚШ долларигача ошириш режалаштирилган бўлиб, бу экспортга йўналтирилган тараққиёт стратегик йўналиш этиб белгиланганидан далолат беради; айни пайтда озиқ-овқат танқислигини ҳис этаётган аҳоли улушини нол даражага тушириш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини қарийб икки баравар ошириш ҳамда иссиқхона газлари чиқиндиларини 50 фоизга камайтириш прогноз қилинмоқда, бу эса жами ҳолда давлатнинг аграр секторда экологик барқарорлик, ижтимоий ривожланиш ва технологик модернизацияга комплекс ёндашувини намоён этади[1].

Қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишдаги ўрни ишлаб чиқаришни энг рентабелли ва ресурслар билан яхши таъминланган йўналишларга жамлаш орқали меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада ошириш, қўшилган қийматни кўпайтириш ва аграр секторнинг барқарор ўсишини таъминлашда намоён бўлади. Ихтисослашувни чуқурлаштириш ҳисобига қайта ишлаш тармоқларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, сув ва ер ресурсларидан янада самарали фойдаланиш, шунингдек инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш учун шароит яратилади, бу эса даромадлар ўсиши, бандлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва экологик барқарорлик бўйича стратегик вазифаларнинг тўғридан-тўғри бажарилишига хизмат қилади.

Ихтисослашувнинг ҳозирги ҳолати. 1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2021–2024 йилларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоқлар ялпи қўшилган қиймати тузилмасида етакчи ўринни эгаллаб, миллий иқтисодиётнинг асосий секторларидан бири бўлиб қолмоқда. Унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2021 йилда 23,6 фоиздан 2024 йилда 19,2

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil

фоизгача пасайган бўлиб, бу иқтисодиёт тузилмасининг sanoat ва хизматлар соҳаси улушининг ортиши томон босқичма-босқич трансформацияланаётганидан dalolat беради. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткич пасайганига қарамасдан, ЯИМнинг ҳар бешинчи қисми ханузгача аграр сектор ҳиссасига тўғри келмоқда, бу эса унинг стратегик аҳамиятини яна бир бор таъкидлайди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ тузилмаси (2021–2024 йй., %)[10]

Кўрсаткич	2021	2022	2023	2024
ЯИМ (жами)	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:				
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	93,7	94,0	95,1	95,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	6,3	6,0	4,9	4,7
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати (жами)	100,0	100,0	100,0	100,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	23,6	22,3	21,2	19,2

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихан суғориладиган ерларга асосланган пахтачилик–галлачилик тизими сифатида шаклланган. Бугунги кунда эса аграр ишлаб чиқариш тузилмаси боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш ҳисобига босқичма-босқич диверсификацияланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши кузатилмоқда (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариши (барча тоифадаги хўжаликлар, минг тонна)[10]

Кўрсаткич	2021	2022	2023	2024
Донли экинлар — жами	7 634,6	7 990,5	8 453,4	8 877,7
шу жумладан: буғдой	5 984,8	6 270,1	6 471,5	6 729,4
арпа	95,8	123,5	163,7	158,0
дон учун маккажўхори	287,1	291,0	339,3	406,4
шоли	334,2	359,1	355,7	383,6
донли дуккакли экинлар	439,8	469,5	511,4	555,1
бошқа донли экинлар	4,9	9,7	34,4	30,7
Пахта-хомашё	3 142,3	3 500,7	3 710,3	2 938,1
Картошка	3 285,6	3 443,2	3 574,1	3 716,9
Сабзавотлар	10 850,2	11 162,9	11 553,7	11 994,2
Полиз экинлари	2 285,3	2 420,7	2 553,5	2 683,8
Силос, яшил ем ва сенаж учун маккажўхори	2 579,6	2 110,3	2 021,1	2 171,6
Ем-хашак илдизмева экинлари	137,7	168,1	101,6	103,2
Бир йиллик ўтлар (пичан учун)	696,0	686,0	761,3	777,4
Кўп йиллик ўтлар (шу йилги ва олдинги йил экинишлари)	958,2	1 004,6	999,8	1 034,6

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 2021–2024 йилларда деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариши асосий йўналишларнинг аксарияти бўйича барқарор ўсиш билан тавсифланади. Хусусан, донли экинлар ишлаб чиқариш ҳажми 7,63 млн тоннадан 8,88 млн тоннагача ошган бўлиб, буғдой етиштириш ҳажми ҳам 6,73 млн тоннага етгани озиқ-овқат хавфсизлигининг мустаҳкамланаётганидан dalolat беради. Шу билан бирга, сабзавотлар (10,85 млн тоннадан 11,99 млн тоннагача), картошка ва полиз экинлари ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиши қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот ихтисослашувининг кучаётганини тасдиқлайди. Айтиш пайтда 2024 йилда пахта-хомашё ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,94 млн тоннагача кескин камайиши пахтамонокультураси моделида мақсадли воз кечилиб, диверсификация йўли танланаётганини кўрсатади. Ем-хашак базасининг нотекис

ривожланиши эса иқлимий омиллар таъсири ҳамда экиш майдонлари тузилмасининг ўзгариши билан изоҳланади.

Агрокластерларни шакллантириш ҳудудлар ихтисослашувини чуқурлаштириш ва қўшилган қийматни оширишга хизмат қилади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда агрокластерлар қишлоқ хўжалигини таркибий модернизация қилишнинг асосий воситаларидан бирига айланди: тадқиқотлар маълумотларига кўра, мамлакатда тахминан 463 та агрокластер фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларга қарийб 2,2 млн гектар қишлоқ хўжалиги ерлари бириктирилган. Шу билан бирга, агрокластерлар пахта-тўқимачилик, дончилик, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик йўналишларини қамраб олмақда[2].

Кўрсаткичлар 2030 йилгача донли экинлар ҳосилдорлигининг, сут йўналишидаги чорвачилик маҳсулдорлигининг ҳамда ем-хашак экинлари улушининг барқарор ўсишини намоён этмоқда. Бу эса ўсимликчилик ва чорвачиликни интенсив ва мувозанатли ривожлантириш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлиги янада мустаҳкамланаётганидан далолат беради [1].

Чорвачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутуди ҳамда гўшт-сут, паррандачилик, қўйчилик ва пиллачилик йўналишларини барқарор ихтисослашган қуйи тармоқлар сифатида ривожлантиришни таъминлайди. У ем-хашак базасидан, ер ва меҳнат ресурсларидан янада оқилона фойдаланишга, «ишлаб чиқариш–қайта ишлаш–сотиш» каби барқарор аграр ишлаб чиқариш занжирларини шакллантиришга, шунингдек мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилади. Чорвачилик ривожини ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси ошади ҳамда ҳудудлар бўйича аграр ихтисослашувнинг территориал дифференциацияси кучаяди (3-жадвалга қarang).

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чорвачилик қуйи тармоғини ривожлантириш учун тегишли ем-хашак, техник ҳамда селекцион-наслчилик базаси яратилган бўлиб, бу йирик шохли қорамол ва паррандалар бош сонининг ўсишига, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

3-жадвал

Чорвачилик маҳсулотларининг асосий турлари ишлаб чиқарилиши (барча тоифадаги хўжаликлар) [10].

Кўрсаткич	2021	2022	2023	2024
Гўшт (тирик вазнда), минг тонна	2 635,1	2 725,9	2 833,2	2 942,5
Сут, минг тонна	11 274,2	11 627,2	11 968,7	12 443,8
Тухум, млн дона	7 788,4	8 129,2	8 487,4	8 864,5
Жун (жисмоний вазнда), минг тонна	36,3	37,3	38,6	39,9
Қоракўл тери, минг дона	1 252,4	1 287,6	1 317,6	1 358,7
Пилла, минг тонна	22,8	24,3	25,9	30,1

3-жадвал маълумотлари 2021–2024 йилларда мамлакат аграр секторда чорвачилик ихтисослашуви аниқ равишда гўшт-сут йўналишининг жадал ривожланиши орқали намоён бўлаётганини кўрсатади. Хусусан, гўшт ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,64 млн тоннадон 2,94 млн тоннагача, сут ишлаб чиқариш ҳажмининг эса 11,27 млн тоннадон 12,44 млн тоннагача барқарор ўсиши бу йўналишнинг устувор аҳамият касб этаётганини тасдиқлайди. Шу билан бирга, тухум ишлаб чиқариш ҳажмининг қарийб 1,1 млрд донага ошиши паррандачилик ихтисослашувининг кучайиб бораётганини кўрсатади. Айни пайтда қўйчилик ва қоракўлчилик каби анъанавий йўналишларда ҳам жун ва қоракўл тери ишлаб чиқариш ҳажми барқарор ўсиб бораётгани кузатилмоқда. Пилла ишлаб чиқариш ҳажмининг 30,1 минг тоннагача кенгайиши эса пиллачиликнинг экспортга йўналтирилган ихтисослашган қуйи тармоқ сифатида мустаҳкамланаётганини, шу орқали чорвачилик таркибининг диверсификацияланаётганини ҳамда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги янада мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, экинларни жойлаштиришда ҳудудий диспропорция сақланиб қолмоқда, бу эса ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг умумий самарадорлигини пасайтиради.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинларини ҳудудий жойлаштиришдаги диспропорция шунда намоён бўлмоқдаки, сувни кўп талаб қиладиган ва меҳнат сиғими юқори бўлган экинлар (пахта, шоли, сабзавотлар) кўп ҳолларда сув ресурслари чекланган ҳудудларда жамлаштирилган. Айти пайтда, қурғоқчиликка чидамли ҳамда ем-хашак экинларидан тўлиқ даражада фойдаланилмаётгани ер ва сув ресурсларига тушаётган юкламани номутаносиб қилиб, ихтисослашув самарадорлигининг пасайишига ҳамда айрим ҳудудларда экологик ва ишлаб чиқариш хатарларининг ортишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда чорвачилик ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари ва диспропорциялари табиий-иқлим шароитлари, ем-хашак базаси ҳамда ҳудудларнинг хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш даражасидаги фарқлар билан изоҳланади. Статистик тўплам маълумотларига кўра, йирик шохли қорамол сони, сут ва гўшт ишлаб чиқаришнинг энг юқори концентрацияси Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё ва Андижон вилоятларига тўғри келади. Бу ҳудудларда суғориладиган деҳқончилик ва ем-хашак етиштириш яхши ривожланган. Айти пайтда Қорақалпоғистон, Навоий ва Бухоро вилоятларида асосан яйлов чорвачилиги (қўйчилик ва қорақўлчилик) устун бўлиб, у нисбатан паст маҳсулдорлик билан тавсифланади. Бу ҳолат чорвачилик тармоғида барқарор ҳудудий диспропорция шаклланишига олиб келмоқда ҳамда сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси, аҳоли зичлиги ва аграр инфратузилма ривожини бўйича ҳудудлар ўртасидаги фарқларни яққол акс эттиради.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг асосий муаммолари қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан таъминланганлик даражаси, тупроқ унумдорлиги ва табиий-иқлим шароитларини етарлича ҳисобга олмасдан нораціонал жойлаштириш билан боғлиқ бўлиб, бу айрим ҳудудларда ер ва сув ресурсларининг ортикча эксплуатация қилинишига олиб келмоқда. Айти пайтда маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва логистика инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмагани жиддий тўсиқ омиллардан бири бўлиб қолмоқда, бу эса, айниқса, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик ихтисослашувида маҳсулот йўқотишлари ва фермер хўжаликлари даромаддорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Вазириятни янада оғирлаштираётган омил сифатида рақамлаштириш даражасининг пастлиги ва инновацион агротехнологияларни жорий этишнинг етарли эмаслиги меҳнат унумдорлиги ўсишини ва ҳудудий ихтисослашув самарадорлигини чеклаб қўймоқда. Шунингдек, ҳудудий даражада ихтисослашувни илмий асосда тизимли мониторинг қилиш ва бошқариш механизмининг йўқлиги стратегик режалаштиришни қийинлаштириб, ҳудудий ва тармоқлараро диспропорцияларни кучайтирмоқда ҳамда қишлоқ хўжалигини кластер модели асосида ривожлантириш самарадорлигини пасайтирмоқда.

Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлиги паст даражада бўлиб, хўжаликлар ўртасида ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича кескин тафовут кузатилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган инвестициялар улушининг пастлиги ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда, бу эса тармоқни модернизация қилиш, технологик янгилаш ва диверсификация жараёнларини секинлаштирмоқда[8].

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви муаммоларини ҳал этиш йўллари ҳудудий ихтисослашувнинг илмий асосланган схемаларини жорий этишни, бунда албатта иқлим, тупроқ ва сув шароитларини ҳисобга олишни назарда тутати. Бу эса экинларни жойлаштиришнинг оқилоналигини ошириш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Агросаноат кластерларини ривожлантириш «ишлаб чиқариш–қайта ишлаш–экспорт» тўлиқ ишлаб чиқариш-сотув занжирини шакллантириб, қўшилган қиймат ва маҳсулот рақобатбардошлигини кучайтириши лозим. Сув тежовчи технологиялар, ердан фойдаланиш ва агробизнесни бошқаришнинг рақамли платформаларини кенг жорий этиш меҳнат унумдорлиги ўсишига ва аграр сектор барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари қишлоқ хўжалигининг экспортга йўналтирилган ва юқори рентабелли тармоқларини рағбатлантиришга аниқ мақсадли тарзда йўналтирилиши лозим.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришда хорижий тажрибани қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда ривожланган аграр секторга эга бўлган Нидерландия, Германия ва Туркия каби мамлакатларда муваффақиятли амалга оширилаётган ҳудудий ихтисослашув моделлари, кластерли ривожланиш ва агроишлаб чиқаришни рақамлаштириш тажрибасини маҳаллий шароитга мослаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги экинлари ва тармоқларини жойлаштириш агроэкологик шароитлар, бозор конъюнктураси ҳамда экспортга йўналтирилганликни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётгани билан ажралиб туради. Инновацион иссиқхона технологияларини жорий этиш, аниқ деҳқончилик элементларини қўллаш, замонавий агрологистика марказларини шакллантириш ҳамда «ишлаб чиқариш–қайта ишлаш–сотиш» контракт схемаларини кенг татбиқ этиш ҳосилдорликни сезиларли ошириш, ресурс харажатларини қисқартириш ва маҳсулотга юқори қўшилган қиймат яратиш имконини беради. Бу ҳолат FAO аналитик материалларида ҳам тасдиқланиб, унда қишлоқ хўжалиги секторининг барқарор ривожланишини таъминлашда ихтисослашув ва технологик янгиланишнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги алоҳида таъкидланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 23.10.2019 yildagi «O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020 - 2030-yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi PF-5853-sonli Farmoni.
2. Yunusov I., Sangirova U., Ahmedov U., Fayziev O., Kholiyorov U. Clustering of agriculture in the Republic of Uzbekistan // E3S Web of Conferences. – 2023. – Vol. 381. – Art. 02002. – DOI: 10.1051/e3sconf/202338102002.
3. FAO. GIEWS Country Brief: Uzbekistan. – Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 2022–2024. – Электронный ресурс.;
4. World Bank. Uzbekistan: Agri-Food Job Diagnostic. – Washington, D.C.: World Bank, 2020. – 190 p.;
5. Ашурметова Н.А. Современное состояние и стратегия развития аграрного сектора Республики Узбекистан // Наука без границ. – 2020. – № 2(42). – С. 22.
6. Раджапов Р.Р. Проблемы развития и специализации хлопководческих хозяйств Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1978. – 160 с.;
7. Саатова Х.Я. Состояние развития и специализации сельского хозяйства в Узбекистане за годы реформ // Иқтисод ва молия / Экономика и финансы, 2016, № 11. - С.21
8. Таджибаева Д. Проблемы и перспективы развития сельского хозяйства в Узбекистане // Водные ресурсы и экономика стран ЕЭК ООН. – 2015. - Научная статья. - Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-i-perspektivy-razvitiya-selskogo-hozyaystva-v-uzbekistane>
9. Цулатов Р.П. Специализация сельского хозяйства Узбекистана и его роль в общественном разделении труда. – Ташкент: Фан, 1975. – 180 с.;
10. Сельское хозяйство Узбекистана - O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi: статистический сборник / O‘zbekiston Respublikasi Milliy Statistika Qo‘mitasi. – Ташкент, 2025. – 14 б.